

06 январь 2022 йил

22-104-51216 сон - ШАРТНОМА

Жиззах шаҳар

Do'stlik tumani SEO va JS bo'limi nomidan Ашуров асосида иш олиб боровчи ва бундан сўнг матнда "Буюртмачи" деб аталувчи Ашуров O'sarov Eshim Nazarovich бир томондан ва "ЎЗММИ" ДМ (Жиззах филиали) номидан 30.12.2020 йилдаги 22/2609-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директори Маннонқулов Г. Х. иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

1.1 "Буюртмачи" топшириғига кўра "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида қуйидаги таснифда кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат кўрсатувчи бўлим	Ишлар тури ва ўлчаш воситаси номи	Ўвнинг сони	Хизмат нархи		ҚҚС 15%	Хизмат қиймати (ҚҚС билан)
				Бир донаси учун нарх	Жами		
1	104.Джиззахский филиал	Синов воситасини метрологик аттестациядан ўтказиш / 09-Аттестация сушильных шкафов	2	556 732,42	1 113 464,84	167 019,73	1 280 484,57
2	104.Джиззахский филиал	Синов воситасини метрологик аттестациядан ўтказиш / 09-Аттестация термостатов суховоздушных	5	502 446,61	2 512 233,05	376 834,96	2 889 068,01
3	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 06-Шишали ўлчов сигимлари 2-дан юкори ўлчамли : бюретка, пипетка, цилиндр, мензурка 1-синф (А) 2-синф (В)	10	38 275,99	382 759,90	57 413,99	440 173,89
4	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Термометры жидкостные стеклянные	2	73 959,96	147 919,92	22 187,99	170 107,91
5	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Ишчи манометрлар, вакуумметрлар ва маановакуумметрлар, кл. т 0,6; 4,0 (5000 bar) гача	2	23 768,23	47 536,46	7 130,47	54 666,93
6	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 08-Ишчи электросигнали манометрлар, вакуумметрлар ва мановакуумметрлар (ЭКМ)	2	29 854,61	59 709,22	8 956,38	68 665,60
7	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Фотоэлектрoкалориметры (всех типов)	2	229 716,78	459 433,56	68 915,03	528 348,59
8	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 04-Юкори класс намунавий тарозилар (3,4 тонфа)	2	185 839,21	371 678,42	55 751,76	427 430,18
9	104.Джиззахский филиал	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Гигрометры психрометрические	2	46 379,20	92 758,40	13 913,76	106 672,16
10	Қўшимча сайёр хизмат кўрсатиш / Дополнительный выездной сервис				299 050,40	44 857,56	343 907,96
				Жами:	5 486 544,17	822 981,63	6 309 525,80

Жами шартнома суммаси: олти миллион уч юз тўққиз миң беш юз йиғирма беш сўм 80 тийин, шу жумладан ҚҚС - саккиз юз йиғирма икки миң тўққиз юз саксон бир сўм-63-тийин.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1 Тўлов "Буюртмачи" нинг ҳар бир талабноомаси (буюртмаси) асосида "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган тўлов учун ҳисоб бўйича "Буюртмачи" томонидан амалга оширилади. "Буюртмачи" ҳар бир тўлов учун ҳисоб тақдим этилган пайтдан бошлаб 15 банк иш куни якунига қадар бажариладиган хизмат (иш) қийматини 30% миқдорида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига хизмат (иш)лар бажарилишидан олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Ишлар бажарилганидан сўнг бажарилган ишлар баёнига асосан "Буюртмачи" кўрсатилган хизматлар учун 70 % миқдоридagi тўловни 15 банк иш куни мобайнида тўлаш мажбуриятини олади.
- 2.2 Ишлар Жиззах шаҳар ташқарисида бажарилганда қўшимча сайёр хизматлар учун алоҳида ҳақ тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини ташиш, яшаш ва суткалик харажатларни ўз ичига олади. "Буюртмачи" транспорт тақдим этган ва ҳақиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда қўшимча сайёр хизматлари учун ҳақ тўланмайди.
- 2.3 Қўшимча сайёр хизматларнинг нархи ҳақиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган "Бажарувчи" вакилларининг сонига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманинг ажралмас

қисми ҳисобланган алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1 Шартноманинг 2.1. банди бажарилгандан сўнг, "Буюртмачи" 3 иш куни мобайнида "Бажарувчи"га шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган ўлчаш воситалари ва зарурий ҳужжатларни топширади.
- 3.2 "Буюртмачи" томонидан мазкур шартномада кўрсатилган ўлчаш воситалари (синов воситалари), (зарур ҳолларда) стандарт намуналар, ҳамда зарур ҳужжатлар (тасдиқланадиган турдаги ўлчаш воситалари (синов воситалари), ўлчаш воситаларининг (синов воситаларининг) эксплуатация ва техник ҳужжатлари;) топширилган вақтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 528-сонли «Ўзбекистон Республикасида Метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорида белгиланган муддатларда "Бажарувчи" ишни бажариш мажбуриятини олади. Шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилган муддатдан ошадиган ўлчаш воситалари бундан мутасно.
- 3.3 "Буюртмачи" томонидан шартноманинг 2.1. ва 3.1. бандидаги шартларни ўз вақтида бажарилмаган ҳолатларда, "Буюртмачи" бу ҳақида "Бажарувчи"га ёзма хабар беришга мажбур. Бу ҳолда, ишнинг бошланиш муддати тегишли равишда кечиктирилган вақт муддатига кўчирилиб, "Бажарувчи"нинг иш ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик келиб чиқмайди.
- 3.4 Шартнома бўйича ишлар якунлангач, "Бажарувчи" бажарилган ишларни "Буюртмачи"га топширади ва бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1 Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1 Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1 Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига кўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган ҳолда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур ҳужжатлар уз вақтида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилмаган ёки ишлар бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатлардақуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:
- 6.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши қўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.
- 6.4 Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.
- 6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициентини асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.
- 6.6 "Бажарувчи" қуйидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:
- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) нагижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нуسخаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар);
 - "Буюртмачи"нинг ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;
 - маҳсулот (хизмат) қиймати ва нархи;
 - "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;
 - солиқ тўловлари ва бу бўйича имтиёзлари (агар бор бўлса) ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа ҳуқуқ тарғибот органлари томонидан бериладиган сўровлар бундан мутасно.
- 6.7 Калибрлаш нагижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (қолган хизматлар бундан мутасно).
- 6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1 Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, zilzila, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.
- 7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.
- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўн муддат талаб қилса томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонларнинг имзо қўйган вақтдан (имзо қуйилган сана) ва Молия Ҳазначилиги томонидан рўйхатдан (агар молия Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган бўлса) ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу шартнома бандлари 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЕЛИШУВ

- 9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашини бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат ишгиросидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
- 9.2 Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма пух талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муружаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"

"ЎзММИ" ДМ (Жиззах филиали)
Жиззах ш., М. Хусаннова кўчаси, 20-а уй.
Х/р 20210000500775480104
"ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ САГБОН ФИЛИАЛИ
Банк коди 01036
СТИР 304909478
ИФТ 71200
Тел. 72-226-33-81



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилиш. Ушбу QR-код шартнома бажарувчи томонидан тасдиқланганини билдиради.

"БУЙОРТМАЧИ"

Do'stlik tumani SEO va JS bo'limi
ДУСТЛИК КУЧАСИ 24-УЙ
Х/р 401422860082157074110054001
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги Вазирлар Маъмуриятининг Молия Ҳазначилиги
Мажбуриятли Тошкент шаҳар иқро ва
ОКЭД 71200
Тел. 95 504-3970



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA
№460**

1. Loyihaning turi: Xizmat ko'rsatish shartnomasi.

2. Loyihaning mazmuni: "O'zbekiston milliy metrologiya instituti (Jizzax filiali) "Ijrochi" va Do'stlik tumani sanitariy-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi "Buyurtmachi" o'rtasida "O'zbekiston milliy metrologiya instituti (Jizzax filiali) "Ijrochi" tomonidan Do'stlik tumani sanitariy-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi "Buyurtmachi"ga jami 6309525.80 (5486544.17 Besh million to'rt yuz sakson olti ming besh yuz qirq to'rt so'm 17 tiyin, shu jumladan QQS 822981.63 sakkiz yuz yigirma ikki ming to'qqiz yuz sakson bir so'm 63 tiyin) ishlarni bajarish, Do'stlik tumani sanitariy-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi "Ijrochi" esa mazkur bajarilgan ishlar, ko'rsatilgan xizmatlar uchun haq to'lashi to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana – Do'stlik tumani sanitariy-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi tomonidan 2022 yilning 12 yanvar kuni elektron tizim orqali markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.A.Xolmurzayev

13.01.2022 yil